

Маҳмуд ТОИРОВ

**ОГОҲ БУЛ,  
ДУНЁ**



**OGOH BO'L,  
DUNYO**


ТОШКЕНТ  
«ЎЗБЕКИСТОН»  
2005

84(54)6-5 Узб. 2426. Асарл  
84УзI-5  
T 60 — Асарл  
— Асарл

10<sup>32971</sup>  
2

T 4702620102 - 80  
M 351(04)2005  
2005

ISBN 5-640-03225-1



© «ЎЗБЕКИСТОН», 2005 й.

ОГОХ БҮЛ,  
ДУНЁ





## ШОИРНИНГ ДАЪВАТНОМАСИ

Бадий адабиёт, хусусан, шеърият ҳамиша, ҳамма замонларда ҳам дунёда адолат ва эзгулик ғоялари устувор бўлиши учун хизмат қилиб келган, шу улуғ мақсад йўлида курашган. Қадимий тарих ва бой анъаналарга эга ўзбек адабиёти ҳам бундан мустасно эмас, албатта. Бугунги кунда бизнинг пешқадам шоир ва адилларимиз мустақиллик берган эркинлик ва ижодий имкониятлардан кенг ва самарали фойдаланган ҳолда, миллий истиқлол ғояси руҳи билан суборилган, ҳозирги замоннинг ўткир ва долзарб ижтимоий муаммоларини бадиий йўсинда акс эттиришга қаратилган ранг-баранг асарлар яратишга интилаётганларни албатта эътиборга моликдир.

Иқтидорли шоир Маҳмуд Тоировнинг «Огоҳ бўл, дунё» достони ана шундай ижодий интилиш ва иштиёқнинг ўзига хос бадиий ифодаси сифатида майдонга келган.

Ҳаётда гоҳо бир одамнинг бошқа бирор билан ёвлашиб, умр бўйи ёқалашиб юрганларини эшитганмиз. Давлатлар орасидаги турли низолар ҳам янгилик эмас. Бироқ, терроризм балоси кейинги даврда ер юзида гўёки бир иллат каби пайдо бўлди ва тарқай бошлади. Ҳозирги кунда бутун башарият ундан талафот кўрмоқда, азият чекмоқда. Бу фалокат илдиз отаётган дастлабки йиллардаёқ Президентимиз Ислом Каримов жаҳон жамоатчилигини огоҳ бўлишга чақирган эдилар. Афсуски, ўз вақтида бу оғатнинг олди олинмагани учун у кўплаб минтақа ва ҳудудларни чулғаб ола бошлади. Ҳақиқатан ҳам, ёвуз террорчиларнинг на дини, на мазҳаби, на миллати бор. Уларнинг асосий мақсади энг муттаҳам ва разил услублар воситасида қонуний ҳокими-

ятни эгаллаб олиш, ўзларининг қабиҳ тартиб-қоидаларини ўрнатишдан иборатдир. Бунга қўшни Афғонистон мамлакатини қонга ботирган жоҳил «Толибон» режими яққол мисол бўла олади.

Табиийки, тинчлик ва тараққиёт, инсонийлик таъмойилларига мутлақо зид бўлган бундай фожиалар ақли расо ҳар бир кишига сабоқ бўлиши, уни ҳушёрлик ва огоҳликка чорлаши лозим.

Муаллиф ушбу долзарб мавзуга мурожаат этар экан, воқеалар тасвир доирасини наинки бизнинг юртимиз, балки дунё миқёсида белгилайди. Шоир дилидан отилиб чиқкан туғён ва ҳиссиётлар ўқувчи қалбини ҳам ҳаяжонга солади.

Асарда яқин тарихимиз сахифалари, ўзбек халқининг истиқлол арафасида бошидан кечирган оғир кунлари, озодликнинг машаққатли йўли ёритилади, ҳозирги пайтда маънавий ҳаётимизга чуқур сингиб кетган «Ўз уйингни ўзинг асра», «Куч — адолатда», «Шу азиз Ватан барчамизники», «Тинчлик учун курашмок керак» сингари пурмаъноғоялар таъсирчан тарзда тараннум этилади.

Достонда юксак сиёсий даъватлар ҳам, оддий инсоний тўйғулар ҳам ўз ифодасини топа олган. Шоир инсоният босиб ўтган тарихий тараққиёт йўлига назар ташлаб, эзгулик ва яхшилик жаҳолат устидан албатта ғолиб келишига, жаҳон ҳамжамияти, соғлом фикр, соғлом кучлар бирлашиб разолатни енгишига ишонади ва китобхонни ҳам ана шу муҳим ҳаётий гояга ишонтира олади. Шу маънода, бу мўъжаз дoston соғ ниятли барча кишиларни, айниқса, унибўсиб келаётган ёшларимизни огоҳлик ва курашга чорлаб турадиган бадиий даъватномадир.

Абдулла ОРИПОВ,  
Ўзбекистон Қаҳрамони,  
халқ шоири

# ОГОХ БҮЛ, ДУНЁ!

(Достон)

— «Огох бўлинг, одамлар!» — деган даъват ҳамиша бонг ургаңдек янграб туриши керак. Фахрланиш мумкин ва лозим бўлган бебаҳо қадриятлар — ўз мустақиллигимизни, тинчлигимизни, жамиятда миллатлар, фуқаролар ўртасидаги тотувликни асранг.

Ислом КАРИМОВ

## МУҚАДДИМА

*Бугун тонгда хуш турдим жуда,  
Дунё гўзал, олам осуда.*

*Осмон тиниқ, осмон беғубор,  
Тиниқликда ажиб ҳикмат бор.*

*Жилмайиб нур сочади қуёш,  
Бахтга эшик очади қуёш.*

*Салом олиб келган саболар,  
Бошим узра тўкар дуолар.*

*Орзудайин кўз очган куртак,  
У тонгдаги тотли бир тилак.*

*Күш тилини құшлар билса ҳам,  
«Күшлар тили» күнгилга малхам.*

*Оллоқ тутған гүлтож гүзәллик,  
Мусаввирга мұхтож гүзәллик.*

*Күзлиримга сиғмаса нетай,  
О, она юрт, садағанғ кетай.*

*Сен ұқынғда үйламоқ шараф,  
Мадхинг ёниб куйламоқ шараф.*

*Хурликда сен күтариլған таҳт,  
Абадият осмонида баҳт.*

*Дарди дүнё заҳматкаш, элим,  
Мехри дарё меҳнаткаш, элим.*

*Бирда қувнаб, бирда үқиндім,  
Бугун дилдан келди түқилгим.*

*Үтмишдаги уволинг ҳаққи,  
Қонли кечмиш, заволинг ҳаққи.*

*Тилдан, дилдан түқилған армон,  
Балки бўлар мўъжаз бир достон.*

*Авлодларга ва ё бир мактуб,  
Неки бўлса, бўлолсин матлуб.*

## ЯШАШ БАХТ

Фарзандларимиз, келажак авлодлар биздан шу ўлкани, шу муқаддас заминни яна ҳам бой, кучли ва қудратли ҳолатда қабул қилишлари учун, биз буюк аждодларимизга нисбатан қандай миннатдорчилик туйғуларини ҳис эттеган бўлсак, ўғил-қизларимиз, келажак авлодлар ҳам бизга нисбатан шундай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этишлари учун лозим бўлган ҳамма ишни қилиш — бизнинг фуқаролик бурчимиздир.

*Ислом КАРИМОВ*

*Ҳар дилда ҳикматнинг хазинаси бор,  
Ҳар тилда ҳурматнинг ганжинаси бор.*

*Вале ҳар сўздан ҳам ҳикмат яралмас,  
Ҳар ҳусни соҳибдан хуш нур таралмас.*

*Ҳар ботир майдонда ғолиб бўлолмас,  
Ҳурматни талаб-ла олиб бўлолмас.*

*Яашанинг шарти бор, одамлик шарти,  
Ўздан кечиб яшар миллатнинг марди.*

*Аё дўст, кун келди, келди хўп замон,  
Она юрт бўлмоқда кўп дориламон.*

*Ҳар дилда жаранглар ҳурлик хитоби,  
Вафодан бошланар тақдир китоби.*

*Момолар тилида шукрона оят,  
Боболар тилида ҳикмат, ҳикоят.*

*Йигитлар очмоқда ишқининг эшигин,  
Келинлар құчмоқда баҳтнинг бешигин.*

*Фарзандлар баҳордек балқиб яшарлар,  
Дилида қувончи қалқиб яшарлар.*

*Навоий назмидек тотли бир қалом,  
Дунёни забт этар ўзбек деган ном.*

*Мустақил давлатнинг жавоҳирлари,  
Алномиши келбатли баҳодирлари.*

*Ўзбек довругини достон қилгувси,  
Мингларнинг мушкулини осон қилгувси.*

*Жаннатий диёрнинг жамолидек хуш,  
Ҳазрат Амир Темур камолидек хуш.*

*Дилларда юз очар инжар бир савол:  
«Бу юртни ким қурған?» Болам, ёдга ол!*

*Ҳурликнинг илк гиштин кимлар қўйишган,  
Ватанини ҳар недан ортиқ суйишган.*

*Кимлар у, жонини ўққа тик тутган,  
Озодлик йўлида ўзни унуган?*

*Не ўйлар билмадим дилдан ўтади,  
Не номлар неча бир тилдан ўтади.*

*Шу боис ушбу кун қўлимда қалам,  
Оқ қоғоз устида қувончим, нолам.*

*Умидим бизни ҳам келгувси авлод,  
Эҳтиром, эъзозда этишгайлар ёд.*

*Ва билгай озодлик тушмас осмондан,  
Уни деб кечишган не мардлар жондан...*

\* \* \*

Кеча яралмаган бу кўҳна дунё,  
Эрта тугамайди оламда ҳаёт.  
Инсонга қалб ато этганда Худо,  
Не олдин юз очган, қувонч ё фарёд?

Ҳақ қачон яратган Одам Атони,  
Бу савол йилларга сиғмайди ҳамон.  
Одам Ато қилган битта хатони,  
Минг бир хил усулда такрорлар инсон.

Бахт бермас аслида Оллоҳ одамга,  
Бахтли яшаш учун бергайдир имкон.  
Келибсан, хуш келдинг, ёруғ оламга,  
Бахтли яшолдингми, айтгин, эй инсон?

Умр-ку, бандага ўлчаб берилган,  
Хою ҳавасини бўлурми ўлчаб.  
Қани у жисмига сифмат керилган,  
Қайга етиб борди тулпорин қистаб?

Кимга озор берди, кимни асрари,  
Ортида қолдими бир парча боғи?  
Ёки талвасада руҳи, жасади  
Қабрида қорайиб ётарми доғи?

Оиланг осмонида сўнмасми нуринг,  
Отангга, онангга бўлдингми, фидо?  
Фарзандинг қалбида ўчмасми қўринг,  
Айт, элинг орtingдан қилгайми дуо?

Орзу аrimайди тирик одамда,  
Вале ҳар саволга топилмас жавоб.  
Яшаш ўзи бахт-ку ёруғ оламда,  
Изингда қолса гар ташаккур, савоб.

\* \* \*

*Ҳар кўнгилнинг тиниқ кўзгуси,  
Боболарнинг асрий орзуси.*

*Озодликнинг ороми ширин,  
Озод инсон қаломи ширин.*

*Хурликини Ҳақ хуш кўрап азал,  
Хурриятнинг бекати гўзал.*

*Гўзалликни асрар шарти бор —  
Яшаши керак ҳамиша бедор.*

\* \* \*

Айтилган сўз — отилган ўқдир,  
Шу ўқлардан озорда дунё.  
Кимлар учун мозорда маҳзун,  
Кимлар учун бозорда дунё.

Айтилган сўз — отилган ўқдир,  
Гап отгани қалам тутмадим.  
Юрагимда ловуллар бир чўф,  
Сўз сотгани қалам тутмадим.

Бу дунёning тош экан боши,  
Лек қартайган қайғу дастидан.

Ўлмай туриб гоҳи бандаси,  
Жой оларкан дўзах остидан.

Бу достоннинг сўzlари ғамли,  
Андуҳида элнинг ори бор.  
Увол кетган не-не жонларнинг,  
Яратганта қилган зори бор.

Ҳар инсоннинг бошида осмон,  
Ҳар инсоннинг пойида ер бор.  
Ўзгаларнинг ризқини олиб,  
Ким яшабди оламда такрор.

Кимдир бугун бешик эгаси,  
Эрта бир кун елкада тобут.  
Кувонч қирқ йил яшамас ахир,  
Бошинг эгар лаҳзалик сукут.

Ҳур ва баҳтли яшашга асли,  
Ҳақ олдида ҳақли ҳар банда.  
Яхши кунга ярашмас лекин,  
Қизитмайин чалган чирманда.

Үйғоқ одам увол кетмагай,  
Ғафлат унинг барин тутмагай,  
Ёвузликни у енгиб яшар,  
Мудраган муродга етмагай.

Огоҳларда ором йўқ, чиндан,  
Огоҳларга ёрдир Оллоҳим.  
Огоҳликка чорлаб дунёни,  
Оқ қоғозга тўкилди оҳим.

## ХУРЛИК ЙҮЛИ

Тарихий хотираси бор бўлган инсон иродали инсон. Такрор айтаман, иродали инсондир. Ким бўлишидан қатъи назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди.

Ислом КАРИМОВ

*Аё дўст, бу дунё азал демишлар,  
Хотира уйғонса гўзал демишлар.*

*Хотира уйғонса дардлар ҳам дарё,  
Сабрлар, тўзимлар бераркан садо.*

*Хотира уйғонса ўзни танийсан,  
Ҳам оппоқ, ҳам қаро юзни танийсан.*

*Кўзингга кўринар сонсиз қабрлар,  
Жонингни оғритар зулм, жабрлар.*

*Ёлғоннинг, риёнинг бошлари ҳамдир,  
Ҳақиқат ҳайқирмас, ҳамон кўркамдир.*

*Хотира уйғонса ҳайрат уйғонар,  
Сувратлар жим тураг, сийрат уйғонар.*

*Уйғонар жисму жон, уйғонар иймон,  
Нечун уйғонмайсан, ахир сен инсон?!*

*Бошингга қандайин түфөнлар келмиш,  
Қайғудан, қаҳрдан уммонлар келмиш.*

*Тарих түкар дема күхна дардларин,  
Тарих соғинаркан асил мардларин.*

\* \* \*

Яшаётган одам учун,  
Жон бир тараф, шон бир тараф.  
Адолатни туғин ҳар кун,  
Темур каби тутмоқ шараф!

Гоҳи дунё, гоҳ дард бериб,  
Оллоҳ ўзи кўргай синаб.  
Эл-юрт учун кўксин кериб,  
Кубро каби кетмоқ шараф!

Бу дунёда икки эшик,  
Ҳеч ким қолмас абад яшаб.  
Мангуберди каби мангу,  
Ватан учун ўлмоқ шараф!

Бу Ватанинг аёли ҳам,  
Орлик талаб, ҳурлик талаб.  
Жон чирогин юрт йўлида,  
Тўмарисдек ёқмоқ шараф.

\* \* \*

Хурлик йўли узун йўлдир,  
Сўқмоғи кўп, тоши кўп.  
Юзлардаги кулгусидан,  
Кўзлардаги ёши кўп.

Бу йўлларнинг ороми йўқ,  
Зилдек-зилдек юки бор.  
Бу йўлларнинг гадоси кўп,  
Бу йўлларнинг беки бор.

Бу йўлларда баҳтиҳ эмас,  
Армон қучган кўп бўлган.  
Озодликни сўраб чиқиб,  
Ўққа учган кўп бўлган.

Изтиробнинг иситмаси,  
Чирмашган не жонларга.  
Бу йўлнинг ҳар қадами,  
Қабрдир қурбонларга.

Узоқ тарих, узоқ ўтмиш,  
Қатларида қайғуси.  
Янги тарих — энг гўзал ҳис,  
Бу ҳуррият туйғуси.

\* \* \*

*Биз яхшилик ярашган халқмиз,  
Майдонда ор талашган халқмиз.*

*Ганим қувнар қылсанг хатолар,  
Үйлаб топса ички низолар.*

*Үшда увол кетганилар билмас,  
Үзгандың қон ютганилар билмас.*

*Наманганда низо чиқарған,  
Фарғонада қазо чиқарған.*

*Ғаддор душман ўйинлари кўп,  
Паркентда ҳам кўзга солди чўп.*

*Аммо Худо яхшига ёрдир,  
Мардларига ўзи ҳамкордир.*

\* \* \*

Яхши одам номин айтиб,  
Не-не авлод яйрайди.  
Худо берса минглаб жонни,  
Битта одам асрайди.

Янги тарих — ўтмишингда,  
Фарёд бордир, дод бордир.  
Лек дардингга малҳам бўлган,  
Жони фидо зот бордир.

Сени талаган тузум,  
Қип-қизил байроқ эди.  
Айбинг фақат, жон элим,  
Құлларинг қадоқ эди.

Отанг пахтакор эди,  
Онанг пахтакор эди,  
Әгатларда әзилган,  
Боланг пахтакор эди.

Пахтасин териб бердинг,  
Чаноғида тилдилар.  
Пешонангни шүридан,  
Шарбат талаб қилдилар.

Қалбинг ўртаб ётса ҳам,  
Тишлиғандинг тилингни.  
«Пахта иши» занжиридан,  
Ким бүшатди қүлингни.

Бўкадаги бўронлар,  
Нола қўшган нолангга.  
Шунда кўзинг тушганми,  
Оқ от минган болангга?

Оломонни оралаб,  
Тинчликка тумор бўлган.  
От устида қуёшдек,  
Миллат учун ор бўлган.

Чиққан кам, тушган кўпдир,  
Риёнинг тушовига.  
Наманганда ким кирган  
Ёлғиз, ёв қуршовига?

Не азоблар кўрмадинг,  
Минг оху фарёд бўлдинг.  
Оллоҳ мададкор бўлиб,  
Кун келди, озод бўлдинг.

Вале айтгин, жон элим,  
Давлатинг ким тиклади?  
Бугун дунё тан олган,  
Шавкатинг ким тиклади?

Дилинг ҳамон қон бўлар,  
Боқсанг босган изингга.  
Тилинг, дининг, Наврўзинг,  
Ким қайтарди ўзингга?

Улуғларнинг руҳини,  
Ким уволдан асрари?  
Бу миллат, бу Ватани,  
Ким заволдан асрари?..

\* \* \*

Айтилган сўз — отилган ўқдир,  
Меҳринг меҳроб, жонимда чўғдир,  
Сендеқ суюк суянчим йўқдир,  
Оtingдан айланай, элим-ов!

Сен кўлласанг қоқилмас ҳеч ким,  
Асли сендеқ оқилмас ҳеч ким,  
Топган гапим, айтарим шулким,  
Зотингдан айланай, элим-ов.

Кўзгу синса кўзлар кулмаган,  
Ёт тупроқда излар кулмаган,  
Гинада ҳам тилингдан томган,  
Totingдан айланай, элим-ов!

Сен тупроққа тилмоч бўлган эл,  
Она Ерга оқсоч бўлган эл,  
Куйинчагим, қуёш бўлган эл,  
Ёдингдан айланай, элим-ов!

\* \* \*

*Ҳақиқат оддийдир, ҳикмати буюк,  
Шошмаган шод яшар, ҳурмати буюк.*

*Ўзбекка ўргатма, кўп қилма гина,  
Томга ҳам чиқарлар зинама-зина.*

*Ўн тўрт йил бўйладик дунё бўйига,  
Кут-барака кирди ўзбек уйига.*

*Фалласи beminnat, нефти beminnat,  
Юзин ёруғ қилган бу ҳалол меҳнат.*

*Ҳеч кимдан ҳеч нарса тилаб олмадик,  
Ё бирор нонини тунаб олмадик.*

*Машаққат чекяпмиз, яширмоқ нечун,  
Йўқни йўндиридик деб оширмоқ нечун.*

*Биз ҳурлик йўлида метин сафдамиз,  
Ким тинчлик истаса у тарафдамиз.*

\* \* \*

Сўзлар ичра нурли сўзлар бор,  
Тилга олсанг яйрап жону тан.  
Дилда, тилда айтаман такрор,  
Сенсиз яшаб бўлмайди, Ватан!

Фоз учолмас овчи бор кўлда,  
Ўзни эҳтиёт қиласар яхшилар.  
Алномиши ўлмаган элда,  
Юзи ёруғ куйлар баҳшилар.

Момо ернинг юраги тинчлик,  
Момо ерга кераги тинчлик.  
Худойим ҳам тўйган урушдан,  
Худойимнинг тилаги тинчлик.

Болдек ширин тинчликнинг totи,  
Элим, хурлик баҳтнинг баёти.  
Бошинг узра соябон бўлсин,  
Оқ каптарнинг оппоқ қаноти.

\* \* \*

Хуш ниятлар дилларга малҳам,  
Юрт тинчлиги — энг олий тилак.  
Кўқдан тушмас аммо тинчлик ҳам,  
Тинчлик учун курашмоқ керак!

Майдон доим мардники бўлган,  
Кўрқоқ қақшаб панада ўлган.  
Тинчи борнинг толеи кулган,  
Тинчлик учун курашмоқ керак!

Тўйлар тўйга улансин десанг,  
Бешикка бек белансин десанг,  
Изингдан баҳт элансин десанг,  
Тинчлик учун курашмоқ керак!

Дема бугун ошим ёвғондир,  
Шукр қилгин жонинг омондир,  
Бир кун ғалва — қирқ кун ёмондир,  
Тинчлик учун курашмоқ керак!

Момоларнинг дуоси тилло,  
Боболардан дуо ол, илло,  
Faфлатни хуш кўрмайди Худо,  
Тинчлик учун курашмоқ қерак!

\* \* \*

Ўзбекистон — кўзимдаги нур,  
Кафтиңг очсанг жонимни тутгум.  
Бу дунёга сенда келдим мен,  
Бу дунёдан сени деб ўтгум.

Ҳурлик қучган озода диёр,  
Йўқ эмасдир озорларинг ҳам.  
Шаҳид кетган ўғлонлар ётган,  
Бордир маъюс мозорларинг ҳам.

Кўлда қалам, ўйга толаман,  
Қандай куйлай қувонч, дардларинг?  
Минг достонга мазмун бергувси,  
Сен деб жонни тиккан мардларинг.

Минг қўшчига бир бошчи бўлган,  
Тўрт тарафга тентак тортади.  
Бир жон бўлиб бирлашса гар эл,  
Юртда гўзал тонглар отади.

Кимки нени ўрганмоқ бўлса,  
Улуғларнинг мероси бисёр.  
Она замин топталмаса, бас,  
Рұхлар бунда чекмасин озор.

Айтилган гап, отилган ўқдир,  
Кўзгу тутар кўнглим ўзимга.  
Жоним Ватан, нур берар Оллоҳ,  
Сен деб айтган ҳар бир сўзимга.

\* \* \*

*Дил кўзин очмоққа ҳидоят керак,  
Ватан учун ҳар вақт ҳимоят керак.*

*Ватан у жисмингдир, Ватан жонингдир,  
Қонингда қалқиган асл шонингдир.*

*Ғам-андуҳ сўрамай тушар бошингга,  
Оғулар қўшилар зумда ошингга.*

*Балки у отангдир, балки болангдир,  
Ватан деб жон берган мангу иолангдир.*

*Қадим Тошкент, дардларинг ҳам кўп қадим,  
Сени тинчлик бешиги деб атадим.*

*Кўзин тиккан сенга жуда кўп эрур,  
Ўзин тиккан сенга жуда кўп эрур.*

*Разил тўда тинчлигингга қўйди чоҳ,  
Тупроғингда ётар неча бегуноҳ.*

*Бурчимулла, Янгиобод тоғлари,  
Кўнгилларни ўртар армон доғлари.*

*Сизда оқди не мардларнинг конлари,  
Эл-юрт учун фидо бўлиб жонлари.*

*Юртим деган эрлар элда бор бўлсин,  
Руҳларига мангу ором ёр бўлсин.*

## АСРАЙ БИЛГИН

Матбуот орқали ҳам, хориж сафарларида ҳам доимо тақрорлайман — террорга қарши курашиш керак. Биринчи галда, террорчиларни тайёрлайдиган заминга, ғояга, мағкурага эътибор бериш, шуларга қарши курашиш керак.

Ислом КАРИМОВ

*Орзуси йўқ кўкда учолмас,  
Курашмаган қувонч қучолмас.*

*Тонг отмаса, кун ҳам ботмагай,  
Яхшилик ҳам ерда ётмагай.*

*Хурлик учун курашдингми, айт,  
Оринг учун талашдингми, айт?..*

*Баҳор ҳар йил қайтиб келади,  
Кўҳна қўшиқ айтиб келади.*

*Келмас экан ҳар ўтган кунинг,  
Қайтмас ҳатто чеккан ҳар унинг.*

*Биздан қолсин шу озод Ватан,  
Авлодларга энг обод Ватан.*

*Гул юзида шабнамлар колсин,  
Колсин, яхши одамлар колсин.*

*Яхши мингта бўлса ҳам камдир,  
Битта ёмон — мингта мотамдир.*

\* \* \*

Огоҳмисан, айт, дунё,  
Огоҳмисан, эй одам?  
Нечун унда кўзинг ёш,  
Нечун унда бошинг ҳам?

Содда дунё, тўр дунё,  
Пешонаси шўр дунё.  
Тирик туриб ўзингга,  
Қазийдирсан гўр дунё!

Огоҳмисан, сен ўзи,  
Гумроҳмисан сен ўзи?  
Тонг сен учун отмоқда,  
Сен деб кулар кун кўзи.

Нечун ахир бир-биринг,  
Тиғлашни хуш кўрасан?  
Гул бўлганда сўлдириб,  
Йиғлашни хуш кўрасан?

Содда одам, түр одам,  
Күзи очиқ, күр одам.  
Гафлат бешиги ҳаром,  
Үйғон энди, тур одам!

\* \* \*

Тоғни талқон қилар өулсанг ҳам,  
Қилни арқон қилар бўлсанг ҳам,  
Илондан бол тилар бўлсанг ҳам,  
Куч — аслида адолатдадир!

Болтам бор деб жаллод бўлмагин,  
Қувонч боқса фарёд бўлмагин,  
Минг йил яша, майли ўлмагин,  
Куч — тафаккур, маърифатдадир!

Ҳеч ким йўқдан бор қилган эмас,  
Кенг дунёни тор қилган эмас,  
Офтоб ойдан ор қилган эмас,  
Куч — инсофу диёнатдадир!

Навниҳолда чинорни кўргин,  
Қаро тунда бедорни кўргин,  
Кўрсанг — Парвардигорни кўргин,  
Куч — меҳрда, муҳаббатдадир!

Умринг йўли кўп узун эмас,  
Шукри борлар ҳеч маҳзун эмас,  
Яшаш асли бу афсун эмас,  
Куч — севгида, садоқатладир!

\* \* \*

Бугун қайғу бошимда ботмон,  
Эрта шамол сенга кўчирап.  
Террор — асли шафқатсиз тўфон,  
Тинч уйингда чироқ ўчирап.

Мағрибдами ва ё Машриқда,  
Озор топса одам боласи.  
Қулоғингни солар қоматга,  
Етиб келган оҳу ноласи.

Дерлар, бўлсин умринг зиёда,  
Кимга ёқмас хуш орзу, ният.  
Томошага ўч бу дунёда,  
Томошабин бўлмоқ жиноят.

\* \* \*

*Хавотир ҳар куни, ҳар жонда яшар,  
Юзлардан, кўзлардан қайғулар тошар.*

*Ногаҳон портлаган бомба овози,  
Самода яна бир мотам парвози.*

*Кўнгилга ҳаттоти, сиғмас экан қил,  
16 февраль... 1999 йил...*

*Дунёга тарқатди не шум хабарлар,  
Кўллари, диллари, тили заҳарлар.*

*Амалга ошмади шум ниятлари,  
Омондир, омондир, юртнинг сарвари!..*

\* \* \*

Элим деган юрт саркорин,  
Эл дуоси асрагайдир.  
Ҳақ йўлинда жон нисорин,  
Ҳақ нидоси асрагайдир.

Бахт этагин тутқазгунча,  
Ойлар ўтар, йиллар ўтар.  
Ғам қувлаган ожиз одам,  
Қочиб қанча қонлар ютар.

Отам дерди: — Очгил кўзни,  
Ери кўргин, пастга тушгили.  
Тўрт одамга тўғри сўзни,  
Топиб айтмоқ ўзи мушкул.

Илон кирап, чаён кирап,  
Билиб-бilmай очсанг бағир.  
Кўлламаса Худо агар,  
Эл олдида юрмоқ оғир.

Эл корига елка тутган,  
Юрт ёвига кўкси қалқон.  
Бу ҳикматни ким унуган,  
Кўқдан тушмас яхши инсон.

Сен деб куйса, ёнгин сен ҳам,  
Қарсак ахир қўш қўлники.  
Паноҳингда асра эгам,  
Ўзбекистон ҳур элники!

\* \* \*

Азал ҳикмат, гўзал ҳикмат,  
Бизлардан кўп яшар ҳикмат.  
Одам бўлсанг олгин ибрат,  
Ўз уйингни ўзинг асра!

Қозон тўкмас куясини,  
Куш асрайди уясини,  
Тулпор қўрир биясини,  
Ўз уйингни ўзинг асра!

Ерни асрар осмони бор,  
Ҳар жонзотни макони бор,  
Асрармоққа имкони бор,  
Ўз уйингни ўзинг асра!

Тупроқ сира тоғ бўлмагай,  
Боғонсиз ҳеч боғ бўлмагай,  
Ёлғон мақтов ёғ бўлмагай,  
Ўз уйингни ўзинг аспа!

Ўргимчакнинг тўри бўлма,  
Очиқ кўзнинг кўри бўлма,  
Одамзотнинг гўри бўлма,  
Ўз уйингни ўзинг аспа!

Остонангга оринг посбон,  
Бўлсин танда боринг посбон,  
Бу Яратган ҳукми, инсон,  
Ўз уйингни ўзинг аспа!

\* \* \*

Ҳар кимнинг ҳаваси, орзуси бисёр,  
Не бўлса мўл бўлсин, бари сизники.  
Бир сўз бор барчамиз айтайлик такрор,  
Ушбу азиз Ватан барчамизники!

Жаннатий боғлари, боғбони билан,  
Чўлу саҳролари, карвони билан,  
Қувонч, қайгулари, армони билан,  
Ушбу азиз Ватан барчамизники!

Турфа тил, турфа дин, турфа миллати,  
Бирликда, хурликда улар зийнати,  
Бор бўлсин шарқона қадри, қиммати,  
Ушбу азиз Ватан барчамизники!

Йўл равон, дил ёруғ яхши ҳамроҳдан,  
Биз уни асройлик, ёвдан, гумроҳдан,  
Тинчлигин тилайлик қодир Оллоҳдан,  
Ушбу азиз Ватан барчамизники!

\* \* \*

*2001 йил, 11 сентябрь...  
Дунё шум хабардан титради зир-зир.*

*Нью-Йорк ва Вашингтон,  
Жаҳанинам ўтида қолди ногаҳон.  
4613 киши...  
80 мамлакатнинг фуқаролари.*

*Оҳ бошдан учди-ку, одамзот ҳуши,  
80 мамлакатнинг ғам, нидолари.*

\* \* \*

*Умринг яшаб ўтсанг, ўлим меҳмондир,  
Дунёга келдингми, кетмоқ аёндир.*

*Тақдирга таш берар, дилбандларинг ҳам,  
Мотамга кўнинкар фарзандларинг ҳам.*

*Ёш кетсанг, ногаҳон кетсанг қийиндир,  
Террор бу қабоҳат, ёвуз ўйиндир.*

*Бир кун яшамайди бу дунё оҳсиз,  
Унинг азияти сонсиз, саноқсиз.*

*Гоҳи ерда изғир, гоҳи осмонда,  
Террор хавфи бугун бутун жаҳонда.*

*Эрта кимни нима кутмоқда, нима?..  
Ҳеч нима деёлмас, ҳеч ким, ҳеч нима?..*

## АРМОН

2004-йилнинг 29—30-март ва 1 апрель кунлари Ўзбекистонимизда 9 нафар ички ишлар ходими ва 5 нафар фуқаро террор аталмиш жаҳолатнинг қурбони бўлгани ҳам шу ҳақда изтироб билан ўйлашга даъват этади.

*Ислом КАРИМОВ*

Куёш сиз учун ҳам кулиб чиқарди,  
Ой ҳам тунингизга чироқ тутарди,  
Уйда жондек ширин жонлар кутарди,  
Ҳаққингиз бор эди баҳтли яшашга.

Бирингиз Касбида туғилган Эркин,  
Муҳиддинсиз қолган Сурхон не деркин?  
Кўҳна Шош соғинар Қодирдек ўғлин,  
Ҳаққингиз бор эди баҳтли яшашга.

Самарқанд кўқидан уч юлдуз учди,  
Фахриддин, Отабек, Мансур ер кучди,  
Уч баҳтнинг кўзига ногоҳ чўп тушди,  
Ҳаққингиз бор эди баҳтли яшашга.

Ваҳобиддин Паркент ўғлони эди,  
Зайтбек Қибройнинг қалқони эди,  
АЗизжон Янгийўл достони эди,  
Ҳаққингиз бор эди баҳтли яшашга.

Сиз йўқ остоналар оҳи ўртайди,  
Қайгулар қон қусиб, қувонч қорайди,  
Қабрингиз қошида осмон торайди,  
Ҳаққингиз бор эди баҳтли яшашга.

Сиз Ватан кўкида сўнмас қуёшсиз,  
Элнинг ёдидасиз, руҳан дилдошсиз,  
Софинчсиз, армонсиз, битмас кўз ёшсиз,  
Ҳаққингиз бор эди баҳтли яшашга.

\* \* \*

Тўққиз уйда тўққиз она,  
Тўққиз ўғлин йўқлайди.  
Бағри бутун одамлар,  
Бу йўқловни уқмайди.

\* \* \*

Ўқقا учган болам-ов,  
Йўқقا кўчган болам-ов,  
Юрагимнинг ёнига  
Чиқди чипқон болам-ов!

Сенинг ўлганинг ёлғон,  
Менинг қолганим ёлғон,  
Сенга теккан ўқ, болам,  
Менинг жонимни олғон!

Ўғлинг ўрмалаб келар,  
Қизинг юмалаб келар,  
Кўзларимнинг қонлари  
Юздан думалаб келар.

Йўқлаб борсам қабрингга,  
Қайрилмайсан, болам-ов!  
Тупроқ онанг бўлдими,  
Айрилмайсан, болам-ов!

Жон болам, жоним болам,  
Мангу армоним болам!  
Қонимда қирқ йил ёзсан  
Битмас достоним, болам!

\* \* \*

Сенинг дардинг ботмон, оҳларинг ботмон,  
Юзингдаги ажин ғамнинг шонаси.  
Жонингни қамчилар минг битта армон,  
Муштипар, муnisam, Ўзбек онаси!

Меҳринг-ла ийланган айтган ҳар сўзинг,  
Сен эмасми, эзгулик парвонаси?  
Табиатнинг мўъжизаси сен ўзинг,  
Сен нурнинг чашмаси — Ўзбек онаси!

Ҳар ишда Ҳақ деган, ҳақгүй, художўй,  
Софлик садафида дурнинг донаси.  
Улуғ йўл бошида турган дуогўй,  
Меҳрибон, дарёдил Ўзбек онаси!

Кўз ёшларинг артгин, бир бора жилмай,  
Эй, меҳри уммоним, дил дурдонаси.  
Ҳурликда энди мен баҳтингни куйлай,  
Миллатим онаси — Ўзбек онаси!

\* \* \*

Айтилган гап, отилган ўқдир,  
Майда гаплар сиғмас дилемга.  
Айбсиз кетган руҳлар чорлади,  
Қалам олдим ногоҳ қўлимга.

Деманг тилдан достон тўкилди,  
Дилдан оғриқ, хазон тўкилди.  
Қирқта эмас, бир эди жоним,  
Вале қирқ минг жойдан сўкилди.

Ер юзида лоақал бир кун,  
Одам ноҳақ ўлмаган кун йўқ.  
Кўҳна дунё кўҳна ярангни,  
Наҳот бир кун тилмаган кун йўқ.

Қодир Оллоҳ, бандалар ожиз,  
Үзинг қўлла, яхшига наф қил!  
Ер юзидан, кўкнинг кўзидан,  
Террор деган балони даф қил.

Тинч тонгларнинг тоза юзидан,  
Сен уйғониб, нур тергин, инсон.  
Куёшга боқ, ўтли кузидан,  
Қалбинг учун қўр тергин, инсон!

Ўтган кунинг — ўтган умрингдир,  
Омонлигинг шукрин қилсанг-чи!  
Ҳатто қуш ҳам уясин асрар,  
Одамлигинг фикрин қилсанг-чи!

\* \* \*

Қордан қадр сўрама — эриб кетар,  
Хазон болиш бўлмайди, чириб кетар.  
Фаним уйдан қувончинг териб кетар,  
Худо берган баҳтингни асрай билгин.

Ҳақдан сўра, мушкулинг осон бўлсин,  
Дарвозанг оч, уйингда меҳмон бўлсин.  
Остонангда орият посбон бўлсин,  
Худо берган таҳтингни асрай билгин.

Тошдан меҳр тиланма, дил тўкилар,  
Бевафонинг бағрида бахт ўкинар,  
Оқилга ҳам, одилга ҳам эл юкинар,  
Эл ўғлисан, аҳдингни асрай билгин.

Асрай билгин, осмонингни асрай билгин,  
Богинг гўзал, боғбонингни асрай билгин.  
Хуш ниятли ҳар миллат сиққан бу юрт,  
Карвон бўлсанг сарбонингни асрай  
билин.

Бўлар-бўлмас одамга бўзлайверма,  
Ҳақиқатни ҳар дилдан излайверма,  
Қўлинг етмас манзилни кўзлайверма,  
Худо берган нақдингни асрай билгин.

Бу дунёning белига белбоғ етмас,  
Биз кетамиз дунёдан, дунё кетмас.  
Мудраб қолсанг отар тонг, сени кутмас,  
Элим, сафда шаҳдингни асрай билгин,  
Худо берган баҳтингни асрай билгин.

\* \* \*

Не қирғин-баротни кўрмади дунё,  
Турфа разолатлар тифин қайради.  
Тарих кўксин тилар ўтли бир нидо,  
Қонни дарё қилиб Чингиз яйради.

Салиб юришларнинг ҳадсиз жанглари,  
Бегуноҳ элларни қилдилар қурбон.  
Бугун черков инквизициясин,  
Башар хотираси лаънатлар ҳамон.

Фашизм балосин қурбони бўлди,  
Миллион-миллион одам, бу ер, бу осмон.  
Боғлар хазон бўлди, орзулар сўлди,  
Қалбларнинг яраси битмаган ҳамон.

Илашиб хаёлнинг аравасига,  
Сўнгра Коммунизм ўйнатди қамчи.  
Оlam қулоқ солди таралласига,  
Бари сароб экан, бари алдамчи...

Динни ниқоб қилган ғаразгўйлар ҳам,  
Шубҳа йўқ, кулади ўзин чоҳига.  
Келажак олдида, тарих олдида,  
Ҳали жавоб берар ўз гуноҳига.

Хуш тилак хуш ёқар, ҳамиша матлуб,  
Мардлар майдон ичра тўкмайди кўз ёш.  
Кун келар, террор ҳам бўлади мағлуб,  
Эзгулик боқийдир, боқийдир қуёш.

## ХОТИМА

Менинг ҳаётим — иш, уй. Шу халқ,  
шу миллат ташвиши. Менда яна нима  
бор? Ўйлайман. Кўп ўйлайман. Кечала-  
ри ухломасдан чиқаман. Менинг ҳам  
болаларим, набираларим бор. Мен ҳам  
болаларимнинг бахтини кўрмоқчиман.  
Набираларимни уйлантирмоқчиман.

*Ислом КАРИМОВ*

Бу дунёга биз ҳаммамиз меҳмонмиз,  
Ҳар бир одам яхши фикр, ўй қилсин.  
Шоҳми, гадо орзуси бор инсонмиз,  
Дуо қилинг, ҳар бир банда тўй қилсин.

Фарзанд берса, бўй қўшилсин бўйига,  
Тўй ярашар ҳар ўзбекнинг уйига.  
Яхши ният, яrim давлат, омин дент,  
Тўйлар қилсин, эл-юрт борсин тўйига.

Дерлар умр — бу Оллоҳнинг инъоми,  
Набиралар инсон умрин давоми.  
Хуш кунларнинг садосидир аслида,  
Яхшиларга яхшиларнинг саломи.

Набирасин қўлларидан етаклаб,  
Ўзи юрган йулларидан етаклаб,

Гижинглаган тулпорларга миндирсин,  
Хақ йўлида дилларидан етаклаб.

Эл дардидан ортармикан ўзи ҳеч,  
Ортишига етармикан кўзи ҳеч?  
Эл дардига жони фидо инсонни,  
Қодир Худо, мушкулини осон еч.

Набираси умрининг хуш навоси,  
Армон отлик ширин дарднинг давоси,  
Дуо қилинг, подшолар ҳам тўй қилсин,  
Ниятига етсин Ислом бобоси!

\* \* \*

*Йўл юрсанг ҳар йўлнинг поёни бўлгай,  
Ҳар ишнинг якуни, аёни бўлгай.*

*Дилнинг изҳорига сўз керак доим,  
Сузнинг меъёрига туз керак доим.*

*Айтайин фахримни қўймасдан нуқта,  
Жонимиз, шонимиз, эл тутган туғда.*

*Тафаккур тоғлари элнинг таянчи,  
Ҳикмат боғларида бордир суюнчи.*

*Хурлигин асрайди жисму жонида,  
Fурур бор, ҳурмат бор, ўзбек шонида.*

*Майли, бир бор айтай, айтайнин минг бор,  
Авлодлар биз билан қилгай ифтихор.*

*Хурлик эшигини очган деб айтар,  
Куллик занжирини янчган деб айтар.*

*Оллоҳ улуғлаган ўзбек номини,  
Огоҳлари қўрир эл оромини.*

\* \* \*

Сен ортимдан таъна тошин отма, фаним,  
Номард азал мардларга тик йўлиқмайди.  
Оллоҳ шоҳид, билгил, халқим, жон  
Ватаним,  
Оромингни огоҳларинг қўриқлайди.

Одам яшар, сўз яшайди армон деган,  
Шу ўғлингдек бўлур асли султон деган.  
Жон керакми, жоним сенга қурбон деган,  
Оромингни огоҳларинг қўриқлайди.

Ўзбекистон қўзимизда ёнган шамдир,  
Фидоларинг киприклардан тушмас  
намдир,

У отамдир, у онамдир, у боламдир,  
Оромингни огоҳларинг қўриқлайди.

Нони қаттиқ, майли, оши ёвғон бўлган,  
Мардлар доим юрти учун қалқон бўлган,  
Ким айтибди, сотқин каслар инсон бўлган,  
Оромингни огоҳларинг қўриқлайди.

Жоним Ватан — жонимизнинг  
чашмасисан,  
Сен онамнинг оппоқ сочи, кўз қошисан.  
Миллатимнинг энг кексаси, энг ёшисан,  
Оромингни огоҳларинг қўриқлайди.

Биз бир эмас, бизлар юз минг,  
биз миллионмиз,  
Биз ўзбекмиз, биз Темурий Туркистонмиз,  
Бизлар ҳам ҳур тугилғонмиз,  
биз инсонмиз,  
Оромингни огоҳларинг қўриқлайди.

\* \* \*

*Достон умри инсон умрига ўхшар,  
Бир сатри жилмайса, бир сатри қақшар.*

*Достон ҳам тушмайды асли осмондан,  
Дардан түкилади, түкилар жондан.*

*Үйлаб топилган деб ўқиманг албат,  
Үйлатган дардларим битдим мен фақат.*

*Бори шу қоғозда, бандаман ожиз,  
Энди бу дафтарни ёпмогум жоиз.*

*Үқиб уққанларга раҳматим бисёр,  
Ҳам омон бўлсинлар, бўлсин Худо ёр!*

*2004—2005 йил*

OGOH BO'L,  
DUNYO





## SHOIRNING DA'VATNOMASI

Badiiy adabiyot, xususan, she'riyat hamisha, hamma zamonlarda ham dunyoda adolat va ezgulik g'oyalari ustuvor bo'lishi uchun xizmat qilib kelgan, shu ulug' maqsad yo'lida kurashgan. Qadimiy tarix va boy an'analarga ega o'zbek adabiyoti ham bundan mustasno emas, albatta. Bugungi kunda bizning peshqadam shoir va adiblarimiz mustaqillik bergen erkinlik va ijodiy imkoniyatlardan keng va samarali foydalangan holda, milliy istiqlol g'oyasi ruhi bilan sug'orilgan, hozirgi zamonning o'tkir va dolzarb ijtimoiy muammolarini badiiy yo'sinda aks ettirishga qaratilgan rang-barang asarlar yaratishga intilayotganlilarni albatta e'tiborga molikdir.

Iqtidorli shoir Mahmud Toirovning «Ogoh bo'l, dunyo» dostoni ana shunday ijodiy intilish va ishtivoqning o'ziga xos badiiy ifodasi sifatida maydonga kelgan.

Hayotda goho bir odamning boshqa birov bilan yovlashib, umr bo'yи yoqalashib yurganlarini eshitganimiz. Davlatlar orasidagi turli nizolar ham yangilik emas. Biroq, terrorizm balosi keyingi davrda yer yuzida go'yoki bir illat kabi paydo bo'ldi va tarqay boshladi. Hozirgi kunda butun bashariyat undan talafot ko'rmoqda, aziyat chekmoqda. Bu falokat ildiz otayotgan dastlabki yillardayoq Prezidentimiz Islom Karimov jahon jamoatchiligini ogoh bo'lishga chaqirgan edilar. Afsuski, o'z vaqtida bu ofatning oldi olinmagani uchun u ko'plab mintaqa va hududlarni chulg'ab ola boshladi. Haqiqatan ham, yovuz terrorchilarning na dini, na mazhabi, na millati bor. Ularning asosiy maqsadi eng muttaham va razil uslublar vositasida qonuniy hokimiyatni egallab olish, o'zlarining qabih tartib-qoidalarini o'rnatishdan iboratdir. Bunga qo'shni Afg'oniston mamlakatini qonga botirgan johil «Tolibon» rejimi yaqqol misol bo'la oladi.

Tabiiyki, tinchlik va taraqqiyot, insoniylik tamoyilla-  
riga mutlaqo zid bo'lgan bunday fojialar aqli raso har  
bir kishiga saboq bo'lishi, uni hushyorlik va ogohlikka  
chorlashi lozim.

Muallif ushbu dolzarb mavzuga murojaat etar ekan,  
voqealar tasvir doirasini nainki bizning yurtimiz, balki  
dunyo miqyosida belgilaydi. Shoir dilidan otilib chiqqan  
tug'yon va hissiyotlar o'quvchi qalbini ham hayajonga  
soladi.

Asarda yaqin tariximiz sahifalari, o'zbek xalqining  
istiqlol arafasida boshidan kechirgan og'ir kunlari, ozod-  
likning mashaqqatli yo'li yoritiladi, hozirgi paytda  
ma'naviy hayotimizga chuqur singib ketgan «O'z uyingni  
o'zing asra», «Kuch — adolatda», «Shu aziz Vatan  
barchamizniki», «Tinchlik uchun kurashmoq kerak»  
singari purma'nno g'oyalar ta'sirchan tarzda tarannum  
etiladi.

Dostonda yuksak siyosiy da'vatlar ham, oddiy insoniy  
tuyg'ular ham o'z ifodasini topa olgan. Shoir insoniyat  
bosib o'tgan tarixiy taraqqiyot yo'liga nazar tashlab,  
ezgulik va yaxshilik jaholat ustidan albatta g'olib kelishi-  
ga, jahon hamjamiyati, sog'lom fikr, sog'lom kuchlar  
birlashib razolatni yengishiga ishonadi va kitobxonni ham  
ana shu muhim hayotiy g'oyaga ishontira oladi. Shu ma'-  
noda, bu mo'jaz doston sof niyatli barcha kishilarni, ay-  
niqsa, unib-o'sib kelayotgan yoshlarmizni ogohlik va  
kurashga chorlab turadigan badiiy da'vatnomadir.

*Abdulla ORIPOV,  
O'zbekiston Qahramoni,  
xalq shoiri*

# OGOH BO‘L, DUNYO!

(*Doston*)

— «Ogoh bo‘ling, odamlar!» — degan da’vat hamisha bong urgandek yangrab turishi kerak. Faxrlanish mumkin va lozim bo‘lgan bebaho qadriyatlar — o‘z mustaqilligimizni, tinchligimizni, jamiyatda millatlar, fuqarolar o‘rtasidagi totuvlikni asrang.

*Islom KARIMOV*

## MUQADDIMA

*Bugun tongda xush turdim juda,  
Dunyo go‘zal, olam osuda.*

*Osmon tiniq, osmon beg ubor,  
Tiniqlikda ajib hikmat bor.*

*Jilmayib nur sochadi quyosh,  
Baxtga eshik ochadi quyosh.*

*Salom olib kelgan sabolar,  
Boshim uzra to‘kar duolar.*

*Orzudayin ko‘z ochgan kurtak,  
U tongdagi totli bir tilak.*

*Qush tilini qushlar bilsa ham,  
«Qushlar tili» ko 'ngilga malham.*

*Olloh tutgan gultoj go 'zallik,  
Musavvirga muhtoj go 'zallik.*

*Ko 'zlarimga sig 'masa netay,  
O, ona yurt, sadag 'ang ketay.*

*Sen haqingda o 'ylamoq sharaf,  
Madhing yonib kuylamoq sharaf.*

*Hurlikda sen ko 'tarilgan taxt,  
Abadiyat osmonida baxt.*

*Dardi dunyo zahmatkash, elim,  
Mehri daryo mehnatkash, elim.*

*Birda quvnab, birda o 'kindim,  
Bugun dildan keldi to 'kilgim.*

*O 'tmishdagи uvoling haqqi,  
Qonli kechmish, zavoling haqqi.*

*Tildan, dildan to 'kilgan armon,  
Balki bo 'lar mo 'jaz bir doston.*

*Avlodlarga va yo bir maktub,  
Neki bo 'lsa, bo 'lolsin matlub.*

## YASHASH BAXT

Farzandlarimiz, kelajak avlodlar bizdan shu o'lkani, shu muqaddas zaminni yana ham boy, kuchli va qudratli holatda qabul qilishlari uchun, biz buyuk ajdollarimizga nisbatan qanday minnatdorchilik tuyg'ularini his etayotgan bo'lsak, o'g'il-qizlarimiz, kelajak avlodlar ham bizga nisbatan shunday minnatdorchilik tuyg'ularini his etishlari uchun lozim bo'lgan hamma ishni qilish — bizning fuqarolik burchimizdir.

*Islom KARIMOV*

*Har dilda hikmatning xazinasi bor,  
Har tilda hurmatning ganjinasi bor.*

*Vale har so'zdan ham hikmat yaralmas,  
Har husni sohibdan xush nur taralmas.*

*Har botir maydonda g'olib bo'lolmas,  
Hurmatni talab-la olib bo'lolmas.*

*Yashashning sharti bor, odamlik sharti,  
O'zdan kechib yashar millatning mardi.*

*Ayo do'st, kun keldi, keldi xo'p zamon,  
Ona yurt bo'lmoqda ko'p dorilamon.*

*Har dilda jaranglar hurlik xitobi,  
Vafodan boshlanar taqdir kitobi.*

*Momolar tilida shukrona oyat,  
Bobolar tilida hikmat, hikoyat.*

*Yigitlar ochmoqda ishqning eshigin,  
Kelinlar quchmoqda baxtning beshigin.*

*Farzandlar bahordek balqib yasharlar,  
Dilida quvonchi qalqib yasharlar.*

*Navoiy nazmidek totli bir kalom,  
Dunyoni zabit etar o'zbek degan nom.*

*Mustaqil davlatning javohirlari,  
Alpomish kelbatli bahodirlari.*

*O'zbek dovrug'ini doston qilguysi,  
Minglarning mushkulini oson qilguysi.*

*Jannatiy diyorning jamolidek xush,  
Hazrat Amir Temur kamolidek xush.*

*Dillarda yuz ochar inja bir savol:  
«Bu yurtni kim qurgan?» Bolam, yodga ol!*

*Hurlikning ilk g'ishtin kimlar qo'yishgan,  
Vatanni har nedan ortiq suyishgan.*

*Kimlar u, jonini o'qqa tik tutgan,  
Ozodlik yo'lida o'zni unutgan?*

*Ne o'ylar bilmadim dildan o'tadi,  
Ne nomlar necha bir tildan o'tadi.*

*Shu bois ushbu kun qo'limda qalam,  
Oq qog'oz ustida quvonchim, nolam.*

*Umidim bizni ham kelguvsi avlod,  
Ehtirom, e'zozda etishgaylar yod.*

*Va bilgay ozodlik tushmas osmondan,  
Uni deb kechishgan ne mardlar jondan...*

\* \* \*

Kecha yaralmagan bu ko'hna dunyo,  
Erta tugamaydi olamda hayot.  
Insonga qalb ato etganda Xudo,  
Ne oldin yuz ochgan, quvonch yo faryod?

Haq qachon yaratgan Odam Atoni,  
Bu savol yillarga sig'maydi hamon.  
Odam Ato qilgan bitta xatoni,  
Ming bir xil usulda takrorlar inson.

Baxt bermas aslida Olloh odamga,  
Baxtli yashash uchun bergaydir imkon.  
Kelibsan, xush kelding, yorug' olamga,  
Baxtli yasholdingmi, aytgin, ey inson?

Umr-ku, bandaga o'lchab berilgan,  
Hoy-u havasini bo'lurmi o'lchab.  
Qani u jismiga sig'may kerilgan,  
Qayga yetib bordi tulporin qistab?

Kimga ozor berdi, kimni asradi,  
Ortida qoldimi bir parcha bog'i?  
Yoki talvasada ruhi, jasadi  
Qabrida qorayib yotarmi dog'i?

Oilang osmonida so'nmasmi nuring,  
Otangga, onangga bo'ldingmi, fido?  
Farzanding qalbida o'chmasmi qo'ring,  
Ayt, eling ortingdan qilgaymi duo?

Orzu arimaydi tirik odamda,  
Vale har savolga topilmas javob.  
Yashash o'zi baxt-ku yorug' olamda,  
Izingda qolsa gar tashakkur, savob.

\* \* \*

*Har ko 'ngilning tiniq ko 'zgusi,  
Bobolarning asriy orzusi.*

*Ozodlikning oromi shirin,  
Ozod inson kalomi shirin.*

*Hurlikni Haq xush ko 'rar azal,  
Hurriyatning bekati go 'zal.*

*Go 'zallikni asrash sharti bor —  
Yashash kerak hamisha bedor.*

\* \* \*

Aytilgan so'z — otilgan o'qdir,  
Shu o'qlardan ozorda dunyo.  
Kimlar uchun mozorda mahzun,  
Kimlar uchun bozorda dunyo.

Aytilgan so'z — otilgan o'qdir,  
Gap otgani qalam tutmadim.  
Yuragimda lovullar bir cho'g',  
So'z sotgani qalam tutmadim.

Bu dunyoning tosh ekan boshi,  
Lek qartaygan qayg'u dastidan.

O'lmay turib gohi bandasi,  
Joy olarkan do'zax ostidan.

Bu dostonning so'zlari g'amli,  
Anduhida elning ori bor.  
Uvol ketgan ne-ne jonlarning,  
Yaratganga qilgan zori bor.

Har insonning boshida osmon,  
Har insonning poyida yer bor.  
O'zgalarning rizqini olib,  
Kim yashabdi olamda takror.

Kimdir bugun beshik egasi,  
Erta bir kun yelkada tobut.  
Quvonch qirq yil yashamas axir,  
Boshing egar lahzalik sukut.

Hur va baxtli yashashga asli,  
Haq oldida haqli har banda.  
Yaxshi kunga yarashmas lekin,  
Qizitmayin chalgan chirmanda.

Uyg'oq odam uvol ketmagay,  
G'aflat uning barin tutmagay,  
Yovuzlikni u yengib yashar,  
Mudragan murodga yetmagay.

Ogohlarda orom yo'q, chindan,  
Ogohlarga yordir Ollohim.  
Ogohlikka chorlab dunyoni,  
Oq qog'ozga to'kildi ohim.

## HURLIK YO‘LI

Tarixiy xotirasi bor bo‘lgan inson irodali inson. Takror aytaman, irodali insondir. Kim bo‘lishidan qat’iy nazar, jamiyatning har bir a’zosi o‘z o’tmishini yaxshi bilsa, bunday odamlarni yo‘ldan urish, har xil aqidalar ta’siriga olish mumkin emas. Tarix saboqlari insonni hushyorlikka o‘rgatadi, irodasini mustahkamlaydi.

*Islom KARIMOV*

*Ayo do ‘st, bu dunyo azal demishlar,  
Xotira uyg‘onsa go ‘zal demishlar.*

*Xotira uyg‘onsa dardlar ham daryo,  
Sabrlar, to ‘zimlar berarkan sado.*

*Xotira uyg‘onsa o ‘zni taniysan,  
Ham oppoq, ham qaro yuzni taniysan.*

*Ko ‘zingga ko ‘rinar sonsiz qabrlar,  
Joningni og ‘ritar zulm, jabrlar.*

*Yolg‘onning, riyoning boshlari xamdir,  
Haqiqat hayqirmas, hamon ko ‘rkamdir.*

*Xotira uyg‘onsa hayrat uyg‘onar,  
Suvratlar jim turar, siyrat uyg‘onar.*

*Uyg'onar jism-u jon, uyg'onar iymon,  
Nechun uyg'onmaysan, axir sen inson?!*

*Boshingga qandayin to'fonlar kelmish,  
Qayg'udan, qahrdan ummonlar kelmish.*

*Tarix to'kar dema ko'hna dardlarin,  
Tarix sog'inarkan asil mardlarin.*

\* \* \*

Yashayotgan odam uchun,  
Jon bir taraf, shon bir taraf.  
Adolatni tug'in har kun,  
Temur kabi tutmoq sharaf!

Gohi dunyo, goh dard berib,  
Olloh o'zi ko'rgay sinab.  
El-yurt uchun ko'ksin kerib,  
Kubro kabi ketmoq sharaf!

Bu dunyoda ikki eshik,  
Hech kim qolmas abad yashab.  
Manguberdi kabi mangu,  
Vatan uchun o'lmoq sharaf!

Bu Vatanning ayoli ham,  
Orlik talab, hurlik talab.  
Jon chirog'in yurt yo'lida,  
To'marisdek yoqmoq sharaf.

\* \* \*

Hurlik yo‘li uzun yo‘ldır,  
So‘qmog‘i ko‘p, toshi ko‘p.  
Yuzlardagi kulgusidan,  
Ko‘zlardagi yoshi ko‘p.

Bu yo‘llarning oromi yo‘q,  
Zildek-zildek yuki bor.  
Bu yo‘llarning gadosi ko‘p,  
Bu yo‘llarning beki bor.

Bu yo‘llarda baxtin emas,  
Armon quchgan ko‘p bo‘lgan.  
Ozodlikni so‘rab chiqib,  
O‘qqa uchgan ko‘p bo‘lgan.

Iztirobning isitmasi,  
Chirmashgan ne jonlarga.  
Bu yo‘lning har qadami,  
Qabrdir qurbanlarga.

Uzoq tarix, uzoq o‘tmish,  
Qatlarida qayg‘usi.  
Yangi tarix — eng go‘zal his,  
Bu hurriyat tuyg‘usi.

\* \* \*

*Biz yaxshilik yarashgan xalqmiz,  
Maydonda or talashgan xalqmiz.*

*G'anim quvnar qilsang xatolar,  
O'ylab topsa ichki nizolar.*

*O'shda uvol ketganlar bilmas,  
O'zganda qon yutganlar bilmas.*

*Namanganda nizo chiqargan,  
Farg'onada qazo chiqargan.*

*G'addor dushman o'yinlari ko'p,  
Parkentda ham ko'zga soldi cho'p.*

*Ammo Xudo yaxshiga yordir,  
Mardlariga o'zi hamkordir.*

\* \* \*

Yaxshi odam nomin aytib,  
Ne-ne avlod yayraydi.  
Xudo bersa minglab jonni,  
Bitta odam asraydi.

Yangi tarix — o'tmishingda,  
Faryod bordir, dod bordir.  
Lek dardingga malham bo'lgan,  
Joni fido zot bordir.

Seni talagan tuzum,  
Qip-qizil bayroq edi.  
Aybing faqat, jon elim,  
Qo'llaring qadoq edi.

Otang paxtakor edi,  
Onang paxtakor edi,  
Egatlarda ezilgan,  
Bolang paxtakor edi.

Paxtasin terib berding,  
Chanog'ida tildilar.  
Peshonangni sho'ridan,  
Sharbat talab qildilar.

Qalbing o'rtab yotsa ham,  
Tishlaganding tilingni.  
«Paxta ishi» zanjiridan,  
Kim bo'shatdi qo'lingni.

Bo'kadagi bo'ronlar,  
Nola qo'shgan nolangga.  
Shunda ko'zing tushganmi,  
Oq ot mingan bolangga?

Olomonni oralab,  
Tinchlikka tumor bo'lgan.  
Ot ustida quyoshdek,  
Millat uchun or bo'lgan.

Chiqqan kam, tushgan ko'pdır,  
Riyoning tushoviga.  
Namanganda kim kirgan  
Yolg'iz, yov qurshoviga?

Ne azoblar ko'rmading,  
Ming oh-u faryod bo'lding.  
Olloh madadkor bo'lib,  
Kun keldi, ozod bo'lding.

Vale aytgin, jon elim,  
Davlating kim tikladi?  
Bugun dunyo tan olgan,  
Shavkating kim tikladi?

Diling hamon qon bo'lar,  
Boqsang bosgan izingga.  
Tiling, dining, Navro'zing,  
Kim qaytardi o'zingga?

Ulug'larning ruhini,  
Kim uvoldan asradi?  
Bu millat, bu Vatanni,  
Kim zavoldan asradi?..

\* \* \*

Aytilgan so'z — otilgan o'qdir,  
Mehring mehrob, joniomda cho'g'dir,  
Sendek suyuk suyanchim yo'qdir,  
Otingdan aylanay, elim-ov!

Sen qo'llasang qoqilmas hech kim,  
Asli sendek oqilmas hech kim,  
Topgan gapim, aytarim shulkim,  
Zotingdan aylanay, elim-ov.

Ko'zgu sinsa ko'zlar kulmagan,  
Yot tuproqda izlar kulmagan,  
Ginada ham tilingdan tomgan,  
Totingdan aylanay, elim-ov!

Sen tuproqqa tilmoch bo'lgan el,  
Ona Yerga oqsoch bo'lgan el,  
Kuyinchagim, quyosh bo'lgan el,  
Yodingdan aylanay, elim-ov!

\* \* \*

*Haqiqat oddiydir, hikmati buyuk,  
Shoshmagan shod yashar, hurmati buyuk.*

*O'zbekka o'rgatma, ko'p qilma gina,  
Tomga ham chiqarlar zinama-zina.*

*O'n to'rt yil bo'yladik dunyo bo'yiga,  
Qut-baraka kirdi o'zbek uyiga.*

*G'allasi beminnat, nefti beminnat,  
Yuzin yorug' qilgan bu halol mehnat.*

*Hech kimdan hech narsa tilah olmadik,  
Yo birov nonini to'nab olmadik.*

*Mashaqqat chekyapmiz, yashirmoq nechun,  
Yo qni yo ndirdik deb oshirmoq nechun.*

*Biz hurlik yo'lida metin safdamiz,  
Kim tinchlik istasa u tarafdamiz.*

\* \* \*

So'zlar ichra nurli so'zlar bor,  
Tilga olsang yayrar jon-u tan.  
Dilda, tilda aytaman takror,  
Sensiz yashab bo'lmaydi, Vatan!

G'oz ucholmas ovchi bor ko'lda,  
O'zni ehtiyot qilar yaxshilar.  
Alpomishi o'lмаган elda,  
Yuzi yorug' kuylar baxshilar.

Momo yerning yuragi tinchlik,  
Momo yerga keragi tinchlik.  
Xudoyim ham to'ygan urushdan,  
Xudoyimning tilagi tinchlik.

Boldek shirin tinchlikning toti,  
Elim, hurlik baxtning bayoti.  
Boshing uzra soyabon bo'lsin,  
Oq kaptarning oppoq qanoti.

\* \* \*

Xush niyatlar dillarga malham,  
Yurt tinchligi — eng oliv tilak.  
Ko'kdan tushmas ammo tinchlik ham,  
Tinchlik uchun kurashmoq kerak!

Maydon doim mardniki bo'lgan,  
Qo'rqaq qaqshab panada o'lgan.  
Tinchli borning tolei kulgan,  
Tinchlik uchun kurashmoq kerak!

To'ylar to'yga ulansin desang,  
Beshikka bek belansin desang,  
Izingdan baxt elansin desang,  
Tinchlik uchun kurashmoq kerak!

Dema bugun oshim yovg'ondir,  
Shukr qilgin joning omondir,  
Bir kun g'alva — qirq kun yomondir,  
Tinchlik uchun kurashmoq kerak!

Momolarning duosi tillo,  
Bobolardan duo ol, illo,  
G'aflatni xush ko'rmaydi Xudo,  
Tinchlik uchun kurashmoq kerak!

\* \* \*

O'zbekiston — ko'zimdagi nur,  
Kafting ochsang jonimni tutgum.  
Bu dunyoga senda keldim men,  
Bu dunyodan seni deb o'tgum.

Hurlik quchgan ozoda diyor,  
Yo'q emasdир ozorlaring ham.  
Shahid ketgan o'g'lonlar yotgan,  
Bordir ma'yus mozorlaring ham.

Qo'lda qalam, o'yga tolaman,  
Qanday kuylay quvonch, dardlaring?  
Ming dostonga mazmun berguvsi,  
Sen deb jonni tikkan mardlaring.

Ming qo'shchiga bir boshchi bo'lgan,  
To'rt tarafga tentak tortadi.  
Bir jon bo'lib birlashsa gar el,  
Yurda go'zal tonglar otadi.

Kimki neni o'rganmoq bo'lsa,  
Ulug'larning merosi bisyor.  
Ona zamin toptalmasa, bas,  
Ruhlar bunda chekmasin ozor.

Aytilgan gap, otilgan o'qdir,  
Ko'zgu tutar ko'nglim o'zimga.  
Jonom Vatan, nur berar Olloh,  
Sen deb aytgan har bir so'zimga.

\* \* \*

*Dil ko'zin ochmoqqa hidoyat kerak,  
Vatan uchun har vaqt himoyat kerak.*

*Vatan u jismingdir, Vatan joningdir,  
Qoningda qalqigan asl shoningdir.*

*G'am-anduh so'ramay tushar boshingga,  
Og'ular qo'shilar zumda oshingga.*

*Balki u otangdir, balki bolangdir,  
Vatan deb jon bergen mangu nolangdir.*

*Qadim Toshkent, dardlaring ham ko'p qadim,  
Seni tinchlik beshigi deb atadim.*

*Ko 'zin tikkan senga juda ko 'p erur,  
O'zin tikkan senga juda ko 'p erur.*

*Razil to 'da tinchligingga qo 'ydi choh,  
Tuprog 'ingda yotar necha begunoh.*

*Burchimulla, Yangiobod tog 'lari,  
Ko 'ngillarni o 'rtar armon dog 'lari.*

*Sizda oqdi ne mardlarning qonlari,  
El-yurt uchun fido bo 'lib jonlari.*

*Yurtim degan erlar elda bor bo 'lsin,  
Ruhlariga mangu orom yor bo 'lsin.*

## ASRAY BILGIN

Matbuot orqali ham, xorij safarlarida  
ham doimo takrorlayman — terrorga  
qarshi kurashish kerak. Birinchi galda,  
terrorchilarni tayyorlaydigan zaminga,  
g‘oyaga, maskuraga e‘tibor berish, shu-  
larga qarshi kurashish kerak.

*Islom KARIMOV*

*Orzusi yo‘q ko‘kda ucholmas,  
Kurashmagan quvonch qucholmas.*

*Tong otmasa, kun ham botmagay,  
Yaxshilik ham yerda yotmagay.*

*Hurlik uchun kurashdingmi, ayt,  
Oring uchun talashdingmi, ayt?..*

*Bahor har yil qaytib keladi,  
Ko‘hna qo‘shiq aytib keladi.*

*Kelmas ekan har o‘tgan kuning,  
Qaytmas hatto chekkan har uning.*

*Bizdan qolsin shu ozod Vatan,  
Avlodlarga eng obod Vatan.*

*Gul yuzida shabnamlar qolsin,  
Qolsin, yaxshi odamlar qolsin.*

*Yaxshi mingta bo‘lsa ham kamdir,  
Bitta yomon — mingta motamdir.*

\* \* \*

Ogohmisan, ayt, dunyo,  
Ogohmisan, ey odam?  
Nechun unda ko‘zing yosh,  
Nechun unda boshing xam?

Sodda dunyo, g‘o‘r dunyo,  
Peshonasi sho‘r dunyo.  
Tirik turib o‘zingga,  
Qaziydirsan go‘r dunyo!

Ogohmisan, sen o‘zi,  
Gumrohmisan sen o‘zi?  
Tong sen uchun otmoqda,  
Sen deb kular kun ko‘zi.

Nechun axir bir-biring,  
Tig‘lashni xush ko‘rasan?  
Gul bo‘lganda so‘ldirib,  
Yig‘lashni xush ko‘rasan?

Sodda odam, g'o'r odam,  
Ko'zi ochiq, ko'r odam.  
G'aflat beshigi harom,  
Uyg'on endi, tur odam!

\* \* \*

Tog'ni talqon qilar bo'lsang ham,  
Qilni arqon qilar bo'lsang ham,  
Ilondan bol tilar bo'lsang ham,  
Kuch — aslida adolatdadir!

Boltam bor deb jallod bo'limagin,  
Quvonch boqsa faryod bo'limagin,  
Ming yil yasha, mayli o'limagin,  
Kuch — tafakkur, ma'rifatdadir!

Hech kim yo'qdan bor qilgan emas,  
Keng dunyoni tor qilgan emas,  
Oftob oydan or qilgan emas,  
Kuch — insof-u diyonatdadir!

Navniholda chinorni ko'rgin,  
Qaro tunda bedorni ko'rgin,  
Ko'rsang — Parvardigorni ko'rgin,  
Kuch — mehrda, muhabbatdadir!

Umring yo‘li ko‘p uzun emas,  
Shukri borlar hech mahzun emas,  
Yashash asli bu afsun emas,  
Kuch — sevgida, sadoqatdadir!

\* \* \*

Bugun qayg‘u boshimda botmon,  
Erta shamol senga ko‘chirar.  
Terror — asli shafqatsiz to‘fon,  
Tinch uyingda chiroq o‘chirar.

Mag‘ribdami va yo Mashriqda,  
Ozor topsa odam bolasi.  
Qulog‘ingni solar qomatga,  
Yetib kelgan oh-u nolasi.

Derlar, bo‘lsin umring ziyoda,  
Kimga yoqmas xush orzu, niyat.  
Tomoshaga o‘ch bu dunyoda,  
Tomoshabin bo‘lmoq jinoyat.

\* \* \*

*Xavotir har kuni, har jonda yashar,  
Yuzlardan, ko‘zlardan qayg‘ular toshar.*  
*Nogahon portlagan bomba ovozi,  
Samoda yana bir motam parvozi.*

*Ko 'ngilga hattoki, sig 'mas ekan qil,  
16-fevral... 1999-yil...*

*Dunyoga tarqatdi ne shum xabarlar,  
Qo 'llari, dillari, tili zaharlar.*

*Amalga oshmadi shum niyatlari,  
Omondir, omondir, yurtning sarvari!..*

\* \* \*

Elim degan yurt sarkorin,  
El duosi asragaydir.  
Haq yo'linda jon nisorin,  
Haq nidosi asragaydir.

Baxt etagin tutqazguncha,  
Oylar o'tar, yillar o'tar.  
G'am quvlagan ojiz odam,  
Qochib qancha qonlar yutar.

Otam derdi: — Ochgil ko'zni,  
Yerni ko'rgin, pastga tushgil.  
To'rt odamga to'g'ri so'zni,  
Topib aytmoq o'zi mushkul.

Ilon kirar, chayon kirar,  
Bilib-bilmay ochsang bag'ir.  
Qo'llamasma Xudo agar,  
El oldida yurmoq og'ir.

El koriga yelka tutgan,  
Yurt yoviga ko'ksi qalqon.  
Bu hikmatni kim unutgan,  
Ko'kdan tushmas yaxshi inson.

Sen deb kuysa, yongin sen ham,  
Qarsak axir qo'sh qo'lники.  
Panohingda asra egam,  
O'zbekiston hur elniki!

\* \* \*

Azal hikmat, go'zal hikmat,  
Bizlardan ko'p yashar hikmat.  
Odam bo'lsang olgin ibrat,  
O'z uyingni o'zing asra!

Qozon to'kmas kuyasini,  
Qush asraydi uyasini,  
Tulpor qo'rir biyasini,  
O'z uyingni o'zing asra!

Yerni asrar osmoni bor,  
Har jonzotni makoni bor,  
Asramoqqa imkonibor,  
O'z uyingni o'zing asra!

Tuproq sira tog‘ bo‘l magay,  
Bog‘bonsiz hech bog‘ bo‘l magay,  
Yolg‘on maqtov yog‘ bo‘l magay,  
O‘z uyingni o‘zing asra!

O‘rgimchakning to‘ri bo‘lma,  
Ochiq ko‘zning ko‘ri bo‘lma,  
Odamzotning g‘o‘ri bo‘lma,  
O‘z uyingni o‘zing asra!

Ostonangga oring posbon,  
Bo‘lsin tanda boring posbon,  
Bu Yaratgan hukmi, inson,  
O‘z uyingni o‘zing asra!

\* \* \*

Har kimning havasi, orzusi bisyor,  
Ne bo‘lsa mo‘l bo‘lsin, bari sizniki.  
Bir so‘z bor barchamiz aytaylik takror,  
Ushbu aziz Vatan barchamizniki!

Jannatiy bog‘lari bog‘boni bilan,  
Cho‘l-u sahrolari karvoni bilan,  
Quvonch, qayg‘ulari, armoni bilan,  
Ushbu aziz Vatan barchamizniki!

Turfa til, turfa din, turfa millati,  
Birlikda, hurlikda ular ziynati,  
Bor bo'lsin sharqona qadri, qimmati,  
Ushbu aziz Vatan barchamizniki!

Yo'l ravon, dil yorug' yaxshi hamrohdan,  
Biz uni asraylik, yovdan, gumrohdan,  
Tinchligin tilaylik qodir Ollohdan,  
Ushbu aziz Vatan barchamizniki!

\* \* \*

*2001-yil, 11-sentabr...  
Dunyo shum xabardan titradi zir-zir.*

*Nyu-York va Vashington,  
Jahannam o'tida qoldi nogahon.  
4613 kishi...  
80 mamlakatning fuqarolari.*

*Oh boshdan uchdi-ku, odamzot hushi,  
80 mamlakatning g'am, nidolari.*

\* \* \*

*Umring yashab o 'tsang, o 'lim mehmondir,  
Dunyoga keldingmi, ketmoq ayondir.*

*Taqdirga tan berar, dilbandlaring ham,  
Motamga ko 'nikar farzandlaring ham.*

*Yosh ketsang, nogahon ketsang qiyindir,  
Terror bu qabohat, yovuz o 'yindir.*

*Bir kun yashamaydi bu dunyo ohsiz,  
Uning aziyati sonsiz, sanoqsiz.*

*Gohi yerda izg 'ir, gohi osmonda,  
Terror xavfi bugun butun jahonda.*

*Erta kimni nima kutmoqda, nima?..  
Hech nima deyolmas, hech kim, hech nima?..*

## ARMON

2004-yilning 29—30-mart va 1-aprel kunlari O'zbekistonimizda 9 nafar ichki ishlar xodimi va 5 nafar fuqaro terror atalmish jaholatning qurboni bo'lgani ham shu haqda iztirob bilan o'ylashga da'vat etadi.

*Islom KARIMOV*

Quyosh siz uchun ham kulib chiqardi,  
Oy ham tuningizga chiroq tutardi,  
Uyda jondek shirin jonlar kutardi,  
Haqqingiz bor edi baxtli yashashga.

Biringiz Kasbida tug'ilgan Erkin,  
Muhiddinsiz qolgan Surxon ne derkin?  
Ko'hna Shosh sog'inar Qodirdek o'g'lin,  
Haqqingiz bor edi baxtli yashashga.

Samarqand ko'kidan uch yulduz uchdi,  
Faxriddin, Otabek, Mansur yer quchdi,  
Uch baxtning ko'ziga nogoh cho'p tushdi,  
Haqqingiz bor edi baxtli yashashga.

Vahobiddin Parkent o'g'loni edi,  
Zaitbek Qibrayning qalqoni edi,  
Azizjon Yangiyo'l dostoni edi,  
Haqqingiz bor edi baxtli yashashga.

Siz yo‘q ostonalar ohi o‘rtaydi,  
Qayg‘ular qon qusib, quvonch qoraydi,  
Qabringiz qoshida osmon toraydi,  
Haqqingiz bor edi baxtli yashashga.

Siz Vatan ko‘kida so‘nmas quyoshsiz,  
Elning yodidasiz, ruhan dildosh siz,  
Sog‘inchsiz, armonsiz, bitmas ko‘z yoshsiz,  
Haqqingiz bor edi baxtli yashashga.

\* \* \*

To‘qqiz uyda to‘qqiz ona,  
To‘qqiz o‘g‘lin yo‘qlaydi.  
Bag‘ri butun odamlar,  
Bu yo‘qlovn ni uqmaydi.

\* \* \*

O‘qqa uchgan bolam-ov,  
Yo‘qqa ko‘chgan bolam-ov,  
Yuragimning yoniga  
Chiqdi chi pgon bolam-ov!

Sening o‘lganining yolg‘on,  
Mening qolganim yolg‘on,  
Senga tekkan o‘q, bolam,  
Mening jonimni olg‘on!

O'g'ling o'rimalab kelar,  
Qizing yumalab kelar,  
Ko'zlarimning qonlari  
Yuzdan dumalab kelar.

Yo'qlab borsam qabringga,  
Qayrilmaysan, bolam-ov!  
Tuproq onang bo'ldimi,  
Ayrilmaysan, bolam-ov!

Jon bolam, jonio bolam,  
Mangu armonim bolam!  
Qonimda qirq yil yozsam  
Bitmas dostonim, bolam!

\* \* \*

Sening darding botmon, ohlaring botmon,  
Yuzingdagi ajin g'amning shonasi.  
Joningni qamchilar ming bitta armon,  
Mushtipar, munisam, O'zbek onasi!

Mehring-la iylangan aytgan har so'zing,  
Sen emasmi, ezgulik parvonasi?  
Tabiatning mo'jizasi sen o'zing,  
Sen nuring chashmasi — O'zbek onasi!

Har ishda Haq degan, haqgo'y, xudojo'y,  
Soflik sadafida durning donasi.

Ulug' yo'l boshida turgan duogo'y,  
Mehribon, daryodil O'zbek onasi!

Ko'z yoshlaring artgin, bir bora jilmay,  
Ey, mehri ummonim, dil durdonasi.  
Hurlikda endi men baxtingni kuylay,  
Millatim onasi — O'zbek onasi!

\* \* \*

Aytilgan gap, otilgan o'qdir,  
Mayda gaplar sig'mas dilimga.  
Aybsiz ketgan ruhlar chorladi,  
Qalam oldim nogoh qo'limga.

Demang tildan doston to'kildi,  
Dildan og'riq, xazon to'kildi.  
Qirqta emas, bir edi jonim,  
Vale qirq ming joydan so'kildi.

Yer yuzida loaqal bir kun,  
Odam nohaq o'lмаган kun yo'q.  
Ko'hna dunyo ko'hna yarangni,  
Nahot bir kun tilmagan kun yo'q.

Qodir Olloh, bandalar ojiz,  
O'zing qo'lla, yaxshiga naf qil!  
Yer yuzidan, ko'kning ko'zidan,  
Terror degan baloni daf qil.

Tinch tonglarning toza yuzidan,  
Sen uyg'onib, nur tergin, inson.  
Quyoshga boq, o'tli ko'zidan,  
Qalbing uchun qo'r tergin, inson!

O'tgan kuning — o'tgan umringdir,  
Omonliging shukrin qilsang-chi!  
Hatto qush ham uyasin asrar,  
Odamliging fikrin qilsang-chi!

\* \* \*

Qordan qadr so'rama — erib ketar,  
Xazon bolish bo'lmaydi, chirib ketar.  
G'anim uydan quvonching terib ketar,  
Xudo bergen baxtingni asray bilgin.

Haqdan so'ra, mushkuling oson bo'lsin,  
Darvozang och, uyingda mehmon bo'lsin.  
Ostonangda oriyat posbon bo'lsin,  
Xudo bergen taxtingni asray bilgin.

Toshdan mehr tilanma, dil to'kilar,  
Bevafoning bag'rida baxt o'kinar,  
Oqilga ham, odilga ham el yukinar,  
El o'g'lisan, ahdingni asray bilgin.

Bo'lar-bo'lmas odamga bo'zlayverma,  
Haqiqatni har dildan izlayverma,  
Qo'ling yetmas manzilni ko'zlayverma,  
Xudo bergen naqdingni asray bilgin.

Bu dunyoning beliga belbog‘ yetmas,  
Biz ketamiz dunyodan, dunyo ketmas.  
Mudrab qolsang otar tong, seni kutmas,  
Elim, safda shahdingni asray bilgin,  
Xudo bergen baxtingni asray bilgin.

\* \* \*

Ne qirg'in-barotni ko'rmadi dunyo,  
Turfa razolatlar tig'in qayradi.  
Tarix ko'ksin tilar o'tli bir nido,  
Qonni daryo qilib Chingiz yayradi.

Salib yurishlarning hadsiz janglari,  
Begunoh ellarni qildilar qurban.  
Bugun cherkov inkivizatsiyasin,  
Bashar xotirasi la'natlar hamon.

Fashizm balosin qurboni bo'ldi,  
Million-million odam, bu yer, bu osmon.  
Bog'lar xazon bo'ldi, orzular so'ldi,  
Qalblarning yarasi bitmagan hamon.

Ilashib xayolning aravasiga,  
So'ngra Kommunizm o'ynatdi qamchi.  
Olam quloq soldi tarallasiga,  
Bari sarob ekan, bari aldamchi...

Dinni niqob qilgan g'arazgo'ylar ham,  
Shubha yo'q, qulaydi o'zin chohiga.  
Kelajak oldida, tarix oldida,  
Hali javob berar o'z gunohiga.

Xush tilak xush yoqar, hamisha matlub,  
Mardlar maydon ichra to'kmaydi ko'z yosh.  
Kun kelar, terror ham bo'ladi mag'lub,  
Ezgulik boqiyidir, boqiyidir quyosh.

## XOTIMA

Mening hayotim — ish, uy. Shu xalq,  
shu millat tashvishi. Menda yana nima  
bor? O'ylayman. Ko'p o'ylayman. Kecha-  
lari uxlolmasdan chiqaman. Mening ham  
bolalarim, nabiralarim bor. Men ham bo-  
lalarimning baxtini ko'rmoqchiman. Na-  
biralarimni uylantirmoqchiman.

*Islom KARIMOV*

Bu dunyoga biz hammamiz mehmonmiz,  
Har bir odam yaxshi fikr, o'y qilsin.  
Shohmi, gado orzusi bor insonmiz,  
Duo qiling, har bir banda to'y qilsin.

Farzand bersa, bo'y qo'shilsin bo'yiga,  
To'y yarashar har o'zbekning uyiga.  
Yaxshi niyat, yarim davlat, omin deng,  
To'ylar qilsin, el-yurt borsin to'yiga.

Derlar umr — bu Ollohning in'omi,  
Nabiralar inson umrin davomi.  
Xush kunlarning sadosidir aslida,  
Yaxshilarga yaxshilarning salomi.

Nabirasin qo'llaridan yetaklab,  
O'zi yurgan yo'llaridan yetaklab,

Gijinglagan tulporlarga mindirsin,  
Haq yo'lida dillaridan yetaklab.

El dardidan ortarmikan o'zi hech,  
Ortishiga yetarmikan ko'zi hech?  
El dardiga joni fido insonni,  
Qodir Xudo, mushkulini oson yech.

Nabirasi umrining xush navosi,  
Armon otliq shirin dardning davosi,  
Duo qiling, podsholar ham to'y qilsin,  
Niyatiga yetsin Islom bobosi!

\* \* \*

*Yo'l yursang har yo'ning poyoni bo'lgay,  
Har ishning yakuni, ayoni bo'lgay.*

*Dilning izhoriga so'z kerak doim,  
So'zning me'yoriga tuz kerak doim.*

*Aytayin faxrimni qo'ymasdan nuqta,  
Jonimiz, shonimiz, el tutgan tug'da.*

*Tafakkur tog'lari elning tayanchi,  
Hikmat bog'larida bordir suyanchi.*

*Hurligin asraydi jism-u jonida,  
G'urur bor, hurmat bor, o'zbek shonida.*

*Mayli, bir bor aytay, aytayin ming bor,  
Avlodlar biz bilan qilgay iftixor.*

*Hurlik eshigini ochgan deb aytar,  
Qullik zanjirini yanchgan deb aytar.*

*Olloh ulug'lagan o'zbek nomini,  
Ogohlari qo'rir el oromini.*

\* \* \*

Sen ortimdan ta'na toshin otma, g'anim,  
Nomard azal mardlarga tik yo'liqmaydi.  
Olloh shohid, bilgil, xalqim, jon Vatanim,  
Oromingni ogohlarining qo'riqlaydi.

Odam yashar, so'z yashaydi armon degan,  
Shu o'g'lingdek bo'lur asli sulton degan.  
Jon kerakmi, jonim senga qurban degan,  
Oromingni ogohlarining qo'riqlaydi.

O'zbekiston ko'zimizda yongan shamdir,  
Fidolarining kipriklardan tushmas namdir,  
U otamdir, u onamdir, u bolamdir,  
Oromingni ogohlarining qo'riqlaydi.

Noni qattiq, mayli, oshi yovg'on bo'lgan,  
Mardlar doim yurti uchun qalqon bo'lgan,  
Kim aytibdi, sotqin kaslar inson bo'lgan,  
Oromingni ogohlaring qo'riqlaydi.

Jonim Vatan — jonioimizning chashmasisan,  
Sen onamning oppoq sochi, ko'z qoshisan.  
Millatimning eng keksasi, eng yoshisan,  
Oromingni ogohlarining qo'riqlaydi.

★ ★ ★

*Doston umri inson umriga o 'xshar,  
Bir satri jilmaysa, bir satri qaqshar.  
Doston ham tushmaydi asli osmondan,  
Darddan to 'kiladi, to 'kilar jondan.*

*O'ylab topilgan deb o'qimang albat,  
O ylatgan dardlarim bitdim men faqat.*

*Bori shu qog'ozda, bandaman ojiz,  
Endi bu daftarni yopmog'im joiz.*

*O qib uqqanlarga rahmatim bisyor,  
Ham omon bo'lsinlar, bo'lsin Xudo yor!*

*2004—2005 yil*

*Маҳмуд Тоиров*

## **ОГОҲ БЎЛ, ДУНӢ**

Нашриёт муҳаррири *K. Бўронов*

Рассом *X. Кутлуков*

Техник муҳаррир *У. Ким*

Мусаҳҳилар *Ш. Мақсадова, Н. Умарова*

Компьютерда тайсровчи *Л. Абкеримова*

Босишига руҳсат этилди 1.06.2005.

Қоғоз формати 70x90<sup>1</sup>/<sub>12</sub>. «Таймс» гарнитураси.

Офсет босма усулида босилди.

Шартли б.т. 3,51. Нашр т. 2,75.

Тиражи 5000. Буюртма № K-0117.

Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйида босилди.  
700129, Тошкент, Навоий кӯчаси, 30.

**РАССЫЛКА**

84ЎзI-5

Т 60

**Тоирев, Маҳмуд.**

Огоҳ бўл, дунё. Т.: «Ўзбекистон», 2005.— 96 б.

**ББК 84ЎзI-5**